*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 28 январь ШАНБА

№ 8 (12.436)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Ҳурматли дўстлар!

Барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон фуқаро авиацияси ўзининг йигирма йиллик фаолияти давомида замонавий авиакомпания сифатида тикланиш ва шаклланишнинг улкан, мураккаб йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг кўплаб хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг амалга оширилиши, жамоанинг юксак касб маҳорати Миллий авиакомпаниямизнинг халқаро авиаташувлар ва техник хизмат кўрсатиш тизимидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлди. Авиация хавфсизлиги ва парвозларни сифатли амалга оширишни таъминлаш, авиация техникасига хизмат кўрсатишда энг илғор технологияларни кенг қўллаш, шунингдек, малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган юксак натижалар нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан бир неча бор тақдирлангани айниқса қувончлидир.

Ҳозирги кунда замонавий ҳаво кемалари билан таъминланган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга оширмоқда, йилига қарийб 75 минг транзит йўналишнинг ҳаво ҳаракатини бошқармоқда, шунингдек, авиакомпаниямиз таркибида фаолият кўрсатаётган, сўнгги авлод авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган марказнинг хизматларидан кенг фойдаланаётган 320 та хорижий авиакомпания самолётларига аэронавигация хизмати кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча аэропортлари жаҳон андозалари даражасида модернизация қилинди. Фақат 2011 йилнинг ўзида 2 миллион 300 минг нафар йўловчи ва салкам 50 минг тонна юк белгиланган манзилларга етказилгани Миллий авиакомпаниямиз қўлга киритаётган ютуқлардан яққол далолат беради.

"Навоий" халқаро аэропорти негизида ташкил этилган ва замонавий аэронавигация ускуналари билан жиҳозланган Халқаро интермодаль логистика маркази, об-ҳаво шароити қандай бўлишидан қатъи назар, барча турдаги авиалайнерларни қабул қилиш имконига эгадир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтган йиллар давомида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг кўпмиллатли жамоаси шаклланди ва камолга етди. Бу жамоанинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибаси юртимизда ҳақли равишда юксак эътироф ва ҳурматга сазовор бўлмоқда, мамлакатимиз фуқаро авиациясининг янада равнақ топишида ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Азиз дўстлар!

Барчангизни Миллий авиакомпаниямиз ташкил этилганининг 20 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, сизларга ва оилаларингизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, олижаноб ва фидокорона меҳнатингизда янги-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мусаффо осмон ва бахтли парвозлар ҳамиша сизларга ёр бўлсин.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

**ТЕХНИКА КЎРИГИ**



# УЛОВИНГ СОЗ – ТАШВИШИНГ ОЗ

**Йўлларда содир бўлаётган транспорт ҳодисаларининг аксарияти автомобилнинг носозлиги оқибатида юз бермоқда. Кимнингдир ишора чироқлари ишламай, ён-атрофдагиларни чалғитса, бошқасининг уловидаги тўхтатиш тизими панд бериб, ташвиш туғдиради.**

Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш, транспорт воситаларининг кўчаларда бешикаст юришини таъминлаш мақсадида тегишли қонун-қоидаларни ўз ичига олган меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига кўра, мамлакатимизда ҳар йили автомобилларнинг техник кўригини ташкил этиш мақсадида махсус қарорлар қабул қилиниб, уни ўтказиш бўйича жадваллар ишлаб чиқилади. Бу йил ҳам вилоят ҳокимининг "Вилоят ҳудудида транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жадвал ишлаб чиқиб, зарур чора-тадбирларни аллақачон бошлаб юборди.

– Давлат корхоналари, уюшма ҳамда фуқароларга тегишли хусусий автомобилларни белгиланган жадвал асосида техник кўрикдан ўтказа бошладик, – дейди вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси техника назорати бўлими бошлиғи Дилмурод Шукуров. – Кўрик жараёнида автомобилнинг барча қисмлари соз ёки носозлигига жиддий эътибор қаратилади. Айниқса, сўнгги йилларда кўчаларда транспорт воситаларининг кўпайиб бораётгани биздан ҳам, ҳайдовчилардан ҳам катта масъулият ва ҳушёрликни талаб қилмоқда.

– Бундай техник кўрик аввало ўзимизнинг йўлда тинч-хотиржам юришимизнинг кафолатидир, – дейди ҳайдовчи Ўктам Аҳмедов. – Қолаверса, йўловчи ва пиёдаларнинг хавфсизлиги, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

– Эски транспортларни биринчи галда соз ҳолга келтириш лозим, – дейди Дилмурод Шукуров. – Бунинг учун қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунда, айниқса, вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг ўрни алоҳида.

Айни кунларда вилоятда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган 50 дан зиёд уюшма ва корхоналардаги автомобиллар кўрикдан ўтказилмоқда. Носозликлар аниқланган ҳолларда уюшма ва корхона раҳбарлари билан бирга уларни бартараф этиб, шундан сўнг йўловчи ташиш учун рухсат берилмоқда.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

**СУРАТДА:** вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси техник назорат бўлими нозири Халил Ғафуров ва ёлланма назоратчи Бахтиёр Бобожонов техник кўрик пайтида.

**Муаллиф олган сурат.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ЗАНГИОТА ТУМАНИ

## ЁШЛАР МАНФААТИ ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИДА

**"Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини ёшларга атрофлича тушунтириш мақсадида туман прокуратураси академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, таълим муассасаларида давра суҳбатлари ўтказмоқда.**

Иштирокчилар ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш, ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан кенг тушунчага эга бўлмоқдалар.

### ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

## ЯНГИ ДАСТУР АМАЛДА

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида Мустаҳкам оила йилида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқди.**

Туман ва шаҳар кенгашлари 2012 йил 5-23 январь кунлари таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот олиб борди.

Дастлабки қадам сифатида Оққўрғон тумани қурилиш, уй-жой, коммунал хизмат ва иқтисод касб-ҳунар коллежида учрашув ташкил этилди. Шундай учрашув ва суҳбатлар Бўка тумани ва Чирчиқ шаҳрида ҳам ўтказилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

### БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, шу билан бирга банд бўлмаган аҳоли, Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатилганлар ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган фуқароларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузиш мақсадида Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида туман ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда "Меҳнат ярмаркаси" ўтказилди.

Унда 26 та корхона ва ташкилот 546 та бўш, 325 та квота иш ўринлари билан иштирок этди. 203 нафар банд бўлмаган фуқаро ўз мутахассисликлари бўйича иш танлаш имкониятига эга бўлди.

**Суннат МУСАМЕДОВ.**

**МАЖЛИС**

# ҚОНУН – ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

**Республика Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ва унинг қошидаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этган.**

Мажлисда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид 2011 йилги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси юзасидан назоратни кучайтириш ҳамда мутасадди идоралар йўл қўяётган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш топширилди. Шунингдек, 2012 йил – "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан айниқса, ёш оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, унинг жамиятдаги ролини янада ошириш чораларини кўришга эътиборни кучайтириш вазифалари юклатилди. Қишлоқ жойларда уй-жой, муҳандислик, транспорт коммуникациялари тармоқлари ва инфратузилма объектларини қуриш ҳамда бу соҳани ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан доимий назорат олиб бориш хусусида қатъий талаблар қўйилди.

Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш ҳамда коллеж ва лицей битирувчиларини ишга жойлаштиришга оид қонунчилик ижроси назоратини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

# ИСТЕЪМОЛЧИ ДОИМО ҲАҚ

### *бўлиши учун у ҳуқуқ ва бурчини, қонуний манфаатларини мукаммал билмоғи лозим*

Юрт фуқароси борки, ҳаммаси истеъмолчи десак, муболаға бўлмаса керак. Зеро, касби ва мансабидан қатъи назар мамлакатдаги мавжуд барча таъминот ва коммунал хизматлардан фойдаланмайдиган фуқаронинг ўзи йўқ.

Хўш, ҳар бир фуқаро ўзининг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва бурчини тушуниб олиши ҳамда қонуний манфаатлари поймол қилинаётгани ҳақида мутасадди идораларга эмин-эркин ёзма ва оғзаки мурожаат қилиш кўникмасини ҳосил қилиши учун Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси қандай чора-тадбирларни кўраяпти? "Тошкент ҳақиқати" мухбири бирлашма раиси Гулчеҳра Аббосовага шу савол билан мурожаат қилди.

– Аввало, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти фуқароларнинг қонуний манфаатлари муҳофазаси йўлида хизмат қилувчи зарур институт сифатида жадал шаклланиб, такомиллашиб бораётгани, шу боис аҳолининг унга ишончи кучаяётганини алоҳида таъкидлашни истардим, – деди Гулчеҳра Холисовна. – Бу фикрни бирлашмамизга, айниқса, шаҳар ва туманлардаги жамиятларга фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари кўпайиб бораётгани ҳам тасдиқламоқда.

Биз истеъмолчилар ҳуқуқларини чуқур ва атрофлича тушунтириш мақсадида турли таъсирчан чора-тадбирлардан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Жойларда соҳа мутахассислари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва вилоят ҳудудий бирлашмаси ҳамда Чирчиқ шаҳар жамияти ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатида касб-ҳунар коллежи директорлари, шаҳар жамияти таянч гуруҳи раҳбарлари, коммунал хизмат корхоналари мутахассислари иштирок этди. Суҳбат давомида истеъмолчиларни қизиқтираётган кўплаб саволларга ойдинлик киритилди.

Бекобод тумани халқ таълими бўлими ва Янгийўл тумани марказий поликлиникасида "Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳамиша ҳимояда" ҳамда "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги ўрни" мавзуларида ташкил этилган тадбирлар ҳам қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди ҳамда фойдали мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Энг муҳими, уюштирилаётган учрашув, давра суҳбати ва савол-жавоб кечаларининг тафсилоти газеталарда чоп этилиб, радио ва телевидениеда эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиб борилмоқда.

**– Таъкидлаганингиздек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаси мутахассисларининг оммавий ахборот воситаларида тез-тез чиқиб туришларининг таъсири кучли, фойдаси катта.**

– Тўғри айтдингиз. Биз ҳам тарғиботнинг бу қулай ва самарали усулидан изчил фойдаланишга имкон даражасида ҳаракат қилаяпмиз. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини тарғиб этиш мақсадида ҳудудий бирлашмамиз ҳамда туман ва шаҳар жамиятлари матбуот, радио ва телевидение орқали 116 марта чиқиш қилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва вилоят ҳокимининг шу ҳақдаги қарорлари ижроси юзасидан аҳоли фикрини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).



# ШАҲАРДАН ОЛИС ҚИШЛОҚҚАЧА

**"Ангрен бизнес инвест" хусусий корхонаси бугунги кунда 18 хил нон ва нон маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бермоқда.**

– Фаолият бошлаганимизга, – дейди корхона раҳбари Шерзод Шокиров, – эндигина 4 ой бўлганига қарамай, 25 та йирик тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик шартномаларини имзоладик. Шаҳримиздан 14-15 чақирим узоқдаги Нишбош, Кўчбулоқ, Чинор қишлоқлари ва "Гурум" маҳалласини нон маҳсулотлари билан вақтида таъминлаяпмиз.

Корхона ўзининг техник имкониятларига кўра, бир кунда 3-3,5 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Шунингдек, янги иш ўринлари яратиб, маҳаллий аҳолини муқим даромад манбаи билан таъминлаётир.

**СУРАТДА:** хусусий корхона мутахассиси Гулчеҳра Тошбоева ва новвой Улуғбек Пардаев.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**2012 ЙИЛ УЧУН ОБУНА давом этмоқда.**
**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.**



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# ИСТЕЪМОЛЧИ ДОИМО ҲАҚ

*бўлиши учун у ҳуқуқ ва бурчини, қонуний манфаатларини мукаммал билмоғи лозим*

Хусусан 2011 йил давомида 1420 истеъмолчининг фикрлари ўрганилиб, фойдали мулоҳаза ва таклифлар инобатга олинди.

– **Бирлашма ҳамда шаҳар ва туман жамиятларига тушаётган ёзма, оғзаки ва ишонч телефонлари орқали мурожаатларда истеъмолчилар кўпроқ қайси хизмат соҳаларидаги камчилик ва нуқсонлардан шикоят қилишаяпти?**

– 2011 йилда жами 533 та шикоят тушиб, 458 таси, яъни 86 фоизи ижобий ҳал этилди. Мурожаатларнинг 383 таси ёзма, 150 таси оғзаки ва ишонч телефонлари орқали тушган.

Шикоятларнинг асосий қисми коммунал хизмат, яъни фойдаланилган табиий газ ва электр қуввати ҳақини ундиришда йўл қўйилаётган хато ва қонунбузарликларга тааллуқли. Жумладан, Оҳангарон тумани Сартамғали қишлоғида яшовчи Савринисо Туробованинг табиий газ ҳақини ҳисобдон кўрсаткичи бўйича вақтида тўлаётганига қарамай, туман газ филиали уни 640 минг 18 сўм қарз қилиб қўйгани ҳақидаги аризаси ўрганиб чиқилиб, қарздорлик бекор қилинди.

Зангиота қишлоғида яшовчи Йўлдош Тўраев, Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғидан Абдурашид Турдиев, Қибрай тумани "Гулистон" маҳалласидан Рустам Ғафуров, Пискент тумани Ойбек маҳалласидан Зуҳра Ашурова каби бошқа кўплаб истеъмолчиларнинг газ тўловлари билан боғлиқ муаммолари ҳам қонуний ҳал қилинди.

Янгийўл тумани Низомий кўчасидаги 17-хонадон эгаси Фарида Шокирова бизга мурожаат қилиб, бу уйда анча вақтдан бери яшамаслиги, ҳисобдон бўйича газдан қарзи йўқлиги, аммо, туман газ филиали уни 976 минг сўм қарз қилиб, тўлашни талаб қилаётганини маълум қилди. Вазият мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилиб, 911 минг 569 сўмга қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Қибрай тумани "Ўнқўрғон" маҳалласида яшовчи Ойдин Ўрозова пластик карточкасига 2010 йил август ойидан пул ўтказиб келинаётган бўлишига қарамай, пластик карточкасини ҳанузгача ололмаётган экан. Бу масала ҳам ўрганиб чиқилиб, пластик карточка билан таъминлашдан ташқари, унга ўтказилган 5 ойлик пули нақд ҳолда олиб берилди.

Умуман, 2011 йил давомида 192 истеъмолчининг ариза-мурожаатлари қонуний ўрганилиб, 58 миллион 865 минг сўмдан зиёд пул улар фойдасига ҳал этиб берилди.

– **Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилган "Ҳуқуқий маслаҳат маркази" фаолияти ҳақида бугун нима дейиш мумкин?**

– Ҳуқуқий маслаҳат марказлари фаолиятига ижобий баҳо бериш учун асос ва далиллар етарли. Вилоят туман ва шаҳар жамиятлари қошида ташкил этилган марказларга 2011 йилда 250 га яқин мурожаатлар тушгани бу фикрни тасдиқлайди. Шундан 33 таси бевосита вилоят ҳудудий бирлашмасига келган.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир-иккита мисол келтирмоқчиман. Мирзо Улуғбек тумани Қорсув бўйи кўчасидаги 9-уйда яшовчи Зарифа Аширова ўғли шаҳар прописокасида бўлишига қарамай, келини Бўстонлиқ туманидан Тошкент пропискасига ўтолмаётгани, шу масала юзасидан қаерга мурожаат қилиш ҳақида маслаҳат сўради. Унга тегишли маслаҳатлар берилди.

Олмалиқлик Ирина Симонян нафақа пулини ололмаётгани тўғрисида ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ҳудудий бирлашма ушбу масала юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилди. Фуқаро нафақа пулини олганини маълум қилиб, бирлашмага миннатдорчилик билдирди.

Ходимларимиз жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўтказаётган барча тадбирларда иштирок этиб, уларда қатнашаётган фуқароларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонун-қоидаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришни давом эттирмоқдалар.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**ТОМОРҚА – ТУГАНМАС ХАЗИНА**



# ҚИШ ДАСТУРХОНИДА... ҚУЛУПНАЙ

**Ташқарида қаҳратон қиш. Дов-дарахтлар уйқуда. Ичкарида эса жўякларни тўла қоплаган қулупнай ҳосилга кириб, меваси пишиб етилмоқда. Бу гўё "12 ой" эртагидаги воқеага ўхшайдики, ишонгингиз келмайди. Ўртасарой қишлоғидаги Билолиддин Ҳусниддинов хонадонида ҳозир шундай манзара.**

Ҳовлида 7 сотихли иссиқхона. Унга лимон экилган, шу билан бирга қулупнай ҳам парвариш қилинмоқда.

– Бу хонадонда иккинчи йили қулупнай парваришланмоқда, – дейди "Ўртасарой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсуной Ражабова. – Бу кўчатларни август ойида ўтқазишган эди. Мана, ҳосилга ҳам кирибди. Ҳадемай, қийғос пишади. Қуёшли юртимизнинг олтинга тенг тупроғида йил-ўн икки ой уруғ унади, экин парваришласа бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда истак ва албатта, омилкорлик, ҳаракат бўлса, бас.

Ўртасарой Ўрта Чирчиқ туманидаги энг йирик ҳудудлардан. 1842 та хонадонга 278 гектар томорқа ери берилган. Бу ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун йиғин қошида ишчи гуруҳи ишламоқда. Унинг аъзолари илғор тажрибаларни оммалаштириш, аҳолига керакли кўчат, уруғлик ва бошқа зарур воситаларни етказиб бермоқдалар.

– Аҳолимиз илгарилари томорқасига фақат ёзда бир марта экин эккан бўлса, ҳозир 2-3 марта ҳосил олаяпти, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Жўланбой Насриддинов. – Иссиқхоналарда ва плёнка остида ҳосил етиштираётган ҳамқишлоқларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда 8 та хонадонда иссиқхона бўлиб, уларда лимон, помидор, бодринг ва кўкатлар парвариш қилинаяпти.

А. Йўлбарисов маҳалласида яшовчи уч ака-ука Бобохўжаевлар асл деҳқонлардан. Фарзандлари ҳам изларидан боришди. Витаминларга бой кўкатлар етиштириб, қўшимча даромад олишаяпти. Рўзғорни бутлаб, тўй-томошалар қилишаяпти.

Шу маҳаллада яшовчи Абдуғани Мирзабоевнинг касби ўқитувчилик. У ҳовлисида иссиқхона қуриб, помидор, бодринг етиштиради, қиш дастурхонини тўкин-сочин қилишга баҳоли қудрат эришмоқда.

Ўн-ўн беш сотихли томорқамиздан самарали фойдалана олаяпмизми? У оиламиз дастурхонини безаб, қўшимча даромад келтираяптими? Бу саволларга жавоб топиш ўзимизга боғлиқ. Эътиборлиси шуки, фуқаролар йиғинлари фаоллари доимо сизга кўмакчи ва амалий ёрдам кўрсатишга тайёр.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**

СУРАТДА: маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсуной Ражабова ва Дилбар Элчибоева қулупнай ҳосилини кўздан кечиришмоқда.

**Элбек ЖАМОЛОВ олган сурат.**

**ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА**

# ТАБАРРУК КЕКСАЛАР ХИЗМАТИДАМИЗ!

**Бугунги кунда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими ва фуқароларнинг пенсия таъминоти изчил ислоҳ қилинмоқда. Биринчи навбатда кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган ва ногиронларнинг манфаатларини давлат томонидан ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ҳаёт тажрибасига эга қарияларнинг дуосини олиш, улардан "Отангга раҳмат" деган лутфни эшитишга не етсин. Биз барча имкониятларимизни ишга солиб, биринчи навбатда қўллаб-қувватлашга муҳтож пенсионер отахон-онахонларнинг кўнглини олишга ҳаракат қиляпмиз. Уларнинг пенсия ва нафақаларини расмийлаштириш, молиялаштириш ва ўз вақтида етказиб бериш чораларини кўраяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ташкилий тузилмасини шакллантириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, Пенсия жамғармаси кузатув кенгашининг ҳамда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижро этувчи девонининг буйруқлари ва кўрсатмалари асосида иш олиб бораётган вилоят бошқармамиз, унинг туман ва шаҳар бўлимлари кейинги вақтда ўз фаолиятини бирмунча такомиллаштирди.

Вилоятимизда 280 мингдан ортиқ пенсия ва нафақа олувчилар бор. Улардан 29969 нафари ногиронлик, 200764 нафари ёшга доир, 17906 нафари боқувчисини йўқотганлик пенсияси, 17049 нафари ижтимоий нафақа олувчилардир. Ишловчи пенсионерлар 14624 нафар.

Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси кузатув кенгашининг 2011 йил 10 майдаги қарорига асосан вилоят ҳудудида пенсиялар тайинлаш бўйича комиссиялар тўғрисидаги Намунавий низом ижро учун қабул қилинди. Унга асосан туман ва шаҳар бўлимларида комиссия аъзолари иш бошлашди. Пенсия тайинлаш учун тақдим қилинаётган ҳужжатлар жойларга чиқиб тўлиқ текширилиб, сўнгра далолатнома тузилмоқда. 2011 йилнинг 1 декабрига қадар 11899 фуқародан пенсия тайинлашга доир ҳужжатлар қабул қилиниб, шулардан 11126 нафар пенсия иши расмийлаштирилди. Улар ноябрь ойининг тўлов рўйхатига киритилди. 16 ёшгача болаликдан ногиронлик нафақасини тайинлаш учун 998 фуқародан ва ижтимоий нафақа тайинлаш учун 998 фуқародан ҳужжатлар қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тўғрисида"ги Низом ходимлар ўртасида ўрганилиб, иш жараёнида қўлланилмоқда. Вилоят Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошқармаси барча туман ва шаҳар мутахассислари иштирокида ўқув-семинар ўтказди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан тасдиқланган "Пенсия ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини, иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низом масаласи бўйича ходимлар иштирокида касбий ва иқтисодий ўқишлар ўтказилди.

Дуо олган етар муродга, дейди халқимиз. Буни дилдан ҳис этиб, ҳар бир ходим топширилган ишга масъулият билан ёндошиб, уни сидқидилдан адо этаётгани туфайли пенсионерларга хизмат кўрсатиш яхшиланиб бормоқда.

**Лазиз ЙЎЛДОШЕВ, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.**

# КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

**Бугунги долзарб вазифалардан бири пенсия тизими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида фуқароларга кенг тушунча беришдир.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг Пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган амалий семинар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Йиғилишда бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси раҳбарлари, туман ҳокимлиги ходимлари, маҳалла раислари, корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Семинарда тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, корхона ва ташкилот раҳбарлари ўзларига тегишли ҳудудларда пенсия тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришлари ҳамда жамғарма ходимларига амалий ёрдам беришлари зарурлиги уқтирилди.

**Акром РАЖАБОВ, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Бўка туман бўлими раҳбари.**

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Тошкентда "Таълим соҳасида хавфсиз интернетни ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли" мавзуида илмий-семинар бўлиб ўтди.**

Юртимизда фуқаролик жамиятини қарор топтириш, кучли демократик жамиятдан адолатли фуқаролик жамиятига ўтиш муҳим саналади. Бундай жамиятни барпо бўлишида эса мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти, уларнинг жамиятда кечаётган туб ислоҳотларга камарбасталик руҳида ёндошуви катта аҳамият касб этади.

Юртимиздаги таълим соҳасини ислоҳ қилиш, янги педтехнологияларни таълим тизимига олиб кириш, бу борада ННТларнинг ўрнини кучайтириш мақсадида, "Шарқ аёли" халқаро аёллар жамоатчилик фонди томонидан ўтказилган навбатдаги семинарда ННТ вакиллари қатори хорижий ҳамкорлар ҳам иштирок этди.

Семинарда йиғилганларга хорижий мутахассислар томонидан дарс бериш шаклларида тавсия этиладиган электрон коммуникация воситалари кўргазмалар тарзида намойиш этилди.

**"Туркистон-пресс".**



# ЭНДИ БАНКДА ОМОНАТЛАРИ БОР

**Юртбошимизнинг ташаббуси билан 2012 йилни Мустаҳкам оила йили сифатида эзгу орзу ва ниятлар билан кутиб олган ватандошларимиз амалий саъй-ҳаракатларни ҳам аллақачон бошлаб юбордилар.**

Ҳозир вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, ташкилот ва муассасаларда уюштирилаётган турли тадбирларнинг мавзу ва мазмун-моҳияти ҳам айнан шу мақсадга қаратилгани билан муҳимдир. Бундай йиғинларда оилавий муҳитни янада соғломлаштириш, тотувлик ва моддий барқарорликни изчил мустаҳкамлаб бориш масалалари атрофлича муҳокама қилиниб, бу йил амалга ошириладиган ишлар режалаштирилмоқда. Асосий эътибор кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.



Жумладан, Оҳангарон шаҳрида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун тадбир уюштирилди. Туман газлаштириш ва электр тармоқлари идоралари, йўл бўлими, "Ипотекабанк", "Деҳқон бозори", "Анҳор", "Темир ота" каби хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳомийлик қилган тантанали тадбирда кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 21 нафар фарзандлари хатна тўйлари ўтказилди. Ҳомийлар ҳар бир тўйбола учун банкда ҳисоб рақами очиб, бошланғич жамғарма маблағларини қўйиб, уларга омонат дафтарчаларини топширди.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

# ГЁТЕ ҲИКМАТЛАРИ

**Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида "Гёте ҳикматлари" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Ёзувчининг улкан маъно касб этган асарларига қўл урган адиб Мақсуд Шайхзодадан кейин, кўплаб ижодкорлар унинг ижодига мурожаат этишди. Айниқса, "Гёте ҳикматлари" асари бир неча бор тўлдирилган кўринишда чоп этилиб, яқинда нашрдан чиққан мазкур асарнинг тўлиқ таржимаси Мирзали Акбаров томонидан ихлосмандлар ҳукмига тақдим этилди.

Ушбу асарнинг тақдимоти Маърифат маскани бўлмиш ҳашаматли Миллий кутубхонанинг анжуманлар залида ўтказилди. Унга юртимизнинг турли гўшаларидан ижодкорлар ташриф буюришди.

Анжуман том маънода икки миллат адабиётининг дийдорлашуви, сўзга бўлган эҳтиром кечасига айланди.

**Наргиза АСАДОВА, "Туркистон-пресс".**


## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг веб-сайтида (www.uzddi.uz) «Ўздавдонинспекция» тўғрисида, шунингдек, амалдаги меъёрий ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа қизиқтирган маълумотлар билан кенгроқ танишишингиз мумкин.

Шунингдек, «Ўздавдонинспекция»нинг Тошкент вилоят ва шаҳар ҳудудий бўлинмасида тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш учун **«Ишонч телефони»** ва ҳар ойнинг учинчи шанба кунлари **«Очиқ эшиклар куни»** ташкил этилган. Ушбу тадбирларда иштирок этиб муаммоли масалаларга ойдинлик киритишингиз мумкин.

**Мурожаат учун манзил: 100011, Тошкент шаҳри, М-14, 27-уй.**

**«Ишонч телефони» (8-371) 244-78-52, электрон почта: tashkent@uzddi.uz**


**2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

# МАҲАЛЛА – ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

**Азал-азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Унга эзгу қадриятлар бешиги, миллий урф-одат ва анъаналар қарор топган гўша дея берилган таърифлар бугун ўз тасдиғини топаётир. Зеро, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик каби инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳитида шаклланади. Қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга ёрдам беришни, жисмоний имконияти чекланган ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб, уларга мурувват кўрсатишни ўз зиммасига олган.**

Эътиборлиси шуки, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, шу билан бирга фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалла таъсирчан институтга айланиб улгурди. Буни вилоятимизнинг Оҳангарон тумани "Маҳалла" хайрия жамғармаси фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин.

– Мустақиллик йилларида маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди, – дейди жамғарма раиси Ё. Умбаитов. – Энди ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда янада фаол иштирок этаяпти.

Жамғарманинг ўтган йилдаги фаолиятини сарҳисоб қилар эканмиз, айтишга арзигулик ишлар амалга оширилганига амин бўлдик. Бунда жамғарма мунтазам ўтказаётган маънавий-маърифий тадбирлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Жумладан, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва диний ақидапарастликнинг олдини олиш бўйича 80 та маҳаллада, ёшларни касб-ҳунарга жалб этиш мақсадида касб-ҳунар коллежларида 70 га яқин, фуқароларнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган 80 дан зиёд тадбирлар уюштирилди.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир, миллий урф-одат ва анъаналар, қадриятларни асраб-авайлаш, уларни ўсиб келаётган кенжа авлод онгига сингдириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилиб, уларда 26 мингга яқин киши иштирок этди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида 24 нафар боқувчисини йўқотганларга моддий кўмак берилди. 10 та кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ тўйларини кўнгилдагидек ўтказишда ҳам жамғарма бош-қош бўлди.

Табиий офат туфайли хонадонлари зарар кўрганларга таъмирлаш ишлари учун молиявий ёрдам кўрсатилди. Бу ишларга 4 миллион 110 минг сўм маблағ сарфланди.

– Мустаҳкам оила йилида зиммамиздаги масъулият янада ошди, – гапида давом этди жамғарма раиси. – Демак, биз оилалар билан янада кўпроқ ишлашимиз, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

XXI аср ва дунё

## АБОРИГЕНЛАР БОШ ВАЗИР ЙЎЛИНИ ТЎСИШДИ

**Аборигенлар ҳуқуқи ҳимоячилари Канберри ресторанида Австралия бош вазири Жулио Гиллард ҳамда мухолифат етакчиси Тони Эбботни қуршаб олишди.**

AFP агентлигининг шу ҳақда тарқатган хабарида айтилишича, Австралия Куни муносабати билан норозилик акцияси уюштирган 200 га яқин киши Гиллард ва Эббот The Lobby ресторанидан чиқиб кетишаётганида йўлларини тўсиб, ўраб олишди. Акция иштирокчилари бино деворларини муштлаб, "иснод", "иркчи" дея бақирдилар. Бош вазир ва мухолифат етакчисини тўдадан қутқариш учун 50 га яқин полициячи, жумладан, махсус отряд ҳам етиб келди. 20 дақиқа ичида икки сиёсатчи ресторанни тарк этиб, машинага ўтиришга муваффақ бўлдилар. Аммо, намойишчилар тинчланмай, машина кетидан қувиб, капот ва томига муштлаб бордилар.



Кўплаб австралиялик аборигенлар европаликларнинг улар ерига бостириб кирган даврни Австрия Куни билан боғлайдилар. Тўрт абориген 1972 йил 27 январь куни парламентнинг Канберридаги эски биноси қаршисида палата тикиб, гўё "палатали элчихона" барпо этди. Улар ҳукуматдан, аборигенларнинг Австралия ерларига бўлган ҳуқуқларини тан олишни талаб қилдилар.

2012 йилда норозилик қатнашчилари аборигенлар ўз ҳуқуқлари учун бошлаган курашларининг 40 йиллигини нишонлаш мақсадида тўпландилар. Уларнинг бундай қилишларига Эбботнинг "палатали элчихона"дан ҳеч қандай маъни йўқ деган сўзлари сабаб бўлди. Мухолифат етакчисининг айтишича, 1972 йилдан буён Австралияда аборигенларга муносабат анча ўзгарди. Фаоллар эса Эбботнинг таъкидини "иркчилик" деб баҳолашди.

Полиция маълумотларига қараганда, бўлиб ўтган воқеадан ҳеч ким жабр кўрмади, ҳибсга олишлар ҳам бўлмади. "Палатали элчихона" атрофида бир ярим мингга яқин намойишчи тўпланган эди.

## ФИЛ КЎЗИГА ЛИНЗА ҚЎЙИЛДИ

**Амстердамдаги Artis ҳайвонот боғида "яшовчи" Вин Тида лақабли филнинг кўзига контакт линзаси қўйилгани ҳақида хабар тарқатди Radio Netherlands Worldwide.**

Операция қилган Анна-Мари Вербрюггеннинг сўзларига қараганда, у илгари ҳам отларнинг кўзига линза қўйиб юрган. Аммо, фил билан биринчи марта бундай операция ўтказди. Оғриқ сездирмайдиган қилиб бажарилган операцияга бир соатдан камроқ вақт сарфланди.

Фил кўзининг мугуз пардасини шикастлаб олгани ва уни очолмай қолгани сабабли операция қилишга тўғри келди. Энди, Вербрюггеннинг айтишича, фил кўзини очиб-юма олади ва бу операция асоратлари тез битиб кетишига ёрдам беради.

Вин Тида Европада кўзига контакт линза қўйилган биринчи филдир. Унинг ёши 45 да, Artis ҳайвонот боғида 2004 йилдан бери "яшаяпти". Ҳайвонот боғининг ўзи эса, 1838 йилда ташкил этилган бўлиб, мамлакатдаги энг эскиси ҳисобланади. Унда 900 турга яқин жонзотлар парвариш қилинади.



**Терсо компанияси – аварияга учраган "Фукусима – 1" АЭС оператори давлат назорати остига ўтаётгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.**

## «ФУКУСИМА-1» ДАВЛАТ НАЗОРАТИГА ЎТАДИ

Япония оммавий ахбороти воситалари хабарларига таяниб маълум қилинишича, тузилган битимга мувофиқ ҳукумат Терсога триллион иен (12,8 миллиард долларга яқин) миқдорда молиявий ёрдам кўрсатади ва эвазига компания акцияларининг учдан иккисини олади. Компанияни давлат мулкига айлантириш режасини амалга оширишдан аввал акционерлар 2012 йил июнда бўладиган йиллик йиғилишда уни маъқуллашлари лозим.

Терсонинг давлат назоратига ўтиши компанияни молиявий соғломлаштириш режасининг бир қисми бўлиб, у 2012 йил март ойига мўлжалланган. Nikkei агентлиги маълум қиладики, режага кўра, Терсо банк кредитлари сифатида яна триллион иен жалб этмоқчи.

## ИСТЕЪФОДАГИ ҲАРБИЙ ИСЁН КЎТАРДИ

**AFP агентлиги тарқатган хабарда маълум қилинишига қараганда, бир гуруҳ ҳарбийлар Папуа – Янги Гвинеяда ғалаён кўтардилар.**



Истеъфодаги полковник Яура Саса бошлиқ ҳарбий исёнчилар истеъфога чиқариб юборилган бош вазир Майкл Сомарени бир ҳафта ичида лавозимига тиклашни талаб қилмоқдалар. "Агар бизнинг бу даъватимизга қулоқ солишмаса, мен конституцияни ҳимоя қилиш ва унинг яхлитлигини сақлаш учун барча зарур чораларни кўришга мажбур бўламан" деди Саса. Бу қандай чоралар эканлигига полковник аниқлик киритмади.

Исёнчилар сафида 30 га яқин киши бор. Reutersнинг маълумотларига кўра, исёнчилар мамлакат қуролли кучлари бошлиғи Фрэнсис Агвини лавозимидан тушириб, уй қамоғига маҳкум этдилар.

Гап шундаки, бош вазир Майкл Сомаре 2011 йил ёзда узоқ давом этган хасталик ҳамда мамлакатдан кетаётгани сабабли лавозимидан олинган эди. Янги бош вазир этиб Питер О'Нил тайинланди. Бироқ, 2011 йил декабрда мамлакат Олий суди О'Нилнинг лавозимга сайланишини ноқонуний деб топди ва Сомаре ўз ўрнига қайта тикланди. Аммо, бу қарор мамлакатда сиёсий инқироз юзага келишига сабаб бўлди. Негаки, О'Нилнинг лавозимга тайинланишини генерал-губернатор (давлат бошлиғи) Майкл Огио тасдиқлаган эди. Шу боис О'Нил истеъфога чиқишдан бош тортди. Сомаре эса, лавозимидан ноҳақ четлаштиришганини рўкач қилиб, бош вазирликка даъво қилди.

## ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ УЗИШДИ

**Иордания қироли Абдулла II араб оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида Исроилнинг тинчлик ишида фаластинликларга ён босмаётганидан безовта эканлигини маълум қилди.**



"Едиот Ахронот"нинг ёзишича, монарх Иорданияда Иерусcалимга босим ўтказиш учун бир қатор воситалар борлигини ҳам таъкидлади. Нашрнинг маълумотларига кўра, Абдулла айтдики, агар Исроил хайрихоҳлик қадамини ташлашни истамаса, Иордания дипломатия муносабатларини пасайтириши ёки тўхтатиш чораларини кўради.

Қиролнинг норози бўлишига сабаб шуки, фаластинликлар билан исроилликлар ўртасидаги музокараларни қайта тиклаш масаласига бағишланган маслаҳатлашув барбод бўлди. Охирги ҳафтада Иордания пойтахтида давом этган маслаҳатлашув чоғида Исроил яна бир бор маълум қилдики, у музокараларни қайтадан бошлашни деб, босиб олинган ҳудудларда манзилгоҳлар қуришни тўхтатмоқчи эмас. Фаластинликлар эса, бу қурилишлар тўхтатилмас экан, музокаралар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас демоқдалар. Натижада боши берк кўчадан чиқиш йўлини топиш мақсадида Уммонда олиб борилган норасмий маслаҳатлашув ҳеч қандай самара бермади.

Иордания ушбу минтақада Исроил билан тўлақонли дипломатия муносабатлари ўрнатилган сўнгги мусулмон давлати бўлиб қолаётир. Илгари Туркия ва Миср ҳам шундай мамлакатлар сафида эди. Аммо, 2012 йилда бу икки давлат турли сабабларга кўра, Иерусcалим билан дипломатия муносабатларини тўхтатди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Утерянный диплом ЗТ-1 № 843571, рег. № 187, выданный в 1985 г. Ташкентским Строительным колледжем (быв. Строительный техникум) на имя Хасанова Камиля Хавиловича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Общество с ограниченной ответственностью "BEK-HILOL-SAVDO" (ИНН 302130074), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, пересечения улиц А. Фитрата и Саракульской остановочный комплекс, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решения учредителя № 1 от 25.01.2012). Претензии примаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления.

Олмазор туманидаги "GOLD KERAMIK" масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Якка тартибдаги тадбиркор Шамурзаев Кодиржон Тахиралиевич номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, Руминиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида румин фотомусаввири Теодор Раду Пантеа асарлари кўргазмаси ташкил этилди.**

## САМАРАЛИ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Кўргазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар вакиллари, санъатшунос олимлар, рассомлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тасвирий санъатнинг кўплаб йўналишлари қатори фотографияни ҳам изчил равнақ топтириш, унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини асраб-авайлаш, ижодкорлар меҳнатини рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси ва бошқа бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган турли кўргазмалар, халқаро биенналелар, кўрик-танловлар истиқлол йилларида жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқларни намоён этиш, ҳамюртларимизни жаҳон фотоусталарининг асарлари билан кенгроқ таништириш, ижодкорлар ўртасидаги ўзаро ижодий мулоқотни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Теодор Раду Пантеа асарларидан иборат кўргазма бунинг далилидир. Суратлари АҚШ, Венгрия, Германия, Греция, Польша, Мексика, Ҳиндистон каби давлатлардаги музейлар, шахсий коллекцияларда сақланаётган бу ижодкор "TashkentALE – 2010" бешинчи халқаро Тошкент фотобиенналесида ўз асарлари билан қатнашиб, кумуш медалга сазовор бўлган эди. Унинг Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон – хорижликлар нигоҳида" кўргазмасига тақдим этган, мамлакатимиздаги тинч ва фаровон ҳаёт, миллатлараро ҳамжиҳатлик, тарихий обидалар, анъана ва қадриятлар акс эттирилган асарлари мухлислар томонидан илиқ кутиб олинган.

Кўргазмада фотомусаввирнинг шаҳарсозлик ва қурилиш мавзусини ўзига хос тарзда талқин этган янги суратлари намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

## ҚЎЛНИ КУЙДИРГАН ЧЎҒ

Кейинги пайтларда одамларни алдаб, уларнинг ишончига кириб, катта миқдордаги маблағларини ўзлаштириб олаётган мансабдорлар ҳам учрамоқда. Афсуски, улар амал курсисига ўтириб, ўз ваколатларини тўғри, одилона бажармаяптилар. Мансаб уларга доимий боғлаб берилмагани, бугун биров эришса, эртага бошқасига буюришини ўйлаб кўрмайдилар.

Адвокатлик фирмаси ва унинг ходимлари қандай иш билан шуғулланиши барчага маълум. Зангиота туманидаги "Adolat-Huquq-Kafolat" адвокатлик фирмаси ҳам кишиларнинг оғирини енгил қилишга кўмаклашади. Таассуфлар бўлсинки, шу ерда ҳам ўз нафси йўлида қонунларни айланиб ўтиб, фирибгарлик қилаётганлар бор экан...

Моҳигул Қадарова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2009 йилдан буён юқоридаги ташкилот адвокати ва бир вақтнинг ўзида ушбу ташкилотда раҳбарлик лавозимида ишлайди.

У ўз ором курсисида ўйга толганча, оиласидаги муаммолари, куёвининг нағмалари-ю, ўғлининг ичкиликка муккасидан кетиб бораётганини хаёл қиларкан, эшик тақиллаб қолди.

– Кираверинг, – деди у ҳушёр тортиб.

Келган мижоз аввалига бироз тараддудланиб қолди. Содиқ Рихсиддинов гапни нимадан бошлашни билмай турганида, унинг устбоши ва ўзини тутишини кузатаётган Моҳигулнинг хаёлида у гўё тайёр "гўшт" бўлиб туюлди. Бу мижоздан мўмайгина пул ишлаб олиш мумкинлигини кўз олдига келтирди-ю, дарров сохта ниқобини кийиб, худди Содиқ билан аввалдан қадрдон бўлган кишидек муомала қила бошлади. У ҳам соддагина эмасми, дарров ўзининг ҳимоячиси топилганидан хурсанд бўлиб, аҳволни тушунтира кетди. У ўзининг аввал ҳам бир марта қуруқ туҳмат орқасидан суднинг қора курсисини татиб кўргани ва арзимаган жарима билан қутулиб кетгани, бугун суд ижрочилари унга ҳимоячи олиши зарур эканлигини айтишгани ва шу сабабдан келганини маълум қилди.

Моҳигул қарасаки, ўзи ўйлаганидек, "тайёр ош" экан. У аввалига Содиқдан воқеа қандай бўлганини сўраш ўрнига, яқин қариндошларидан орган соҳасида таниш-билиши бор ёки йўқлигини суриштириб билиб, кўнгли жойига тушди. Чунки, Содиқ оддийгина жабрдийда эди-да. Энди "қаҳрамон"имиз шундай ролга киришиб кетдиларки, унинг олдида унча-мунча театр актёри ҳам ип эшолмаган бўлар эди. Ўзи аслида арзимаган жарима билан якун топадиган ишни гўё камида 3 ёки 5 йиллик қамоқ кутаётганлигини ва бу барча қонун ҳужжатларида ўз аксини топганлигини таъкидлаб, бироз сукут сақлади. Бу сукут давомида Содиқнинг хаёлидан нималар кечгани ўзигагина маълум. Уни зимдан кузатиб турган Моҳигул гўё раҳми келаётгандек бўлиб, бу ишни кўриб чиқишлари учун шартнома тузиб, кассага 150.000 сўм тўлашини, мабодо ишни осонроқ ҳал бўлишини хоҳласа, туман судида ишлайдиган судьяни яхши танишини ва уни рози қилиб, қамоқ жазосини жаримага алмаштириб бериши мумкинлигини писанда қилиб қўйди. Ноилож қолган ва қонунни билмайдиган шўринг қурғур жабрдийда унинг шартларига рози бўлди. Адвокат эса ишни имкони борича тезлаштиришни, келишилган 1000 АҚШ доллари қўлига тушгани ҳамоно судья билан учрашишини, пулни эса ўзининг турмуш ўртоғи Алишерга олиб келиб беришини айтиб, уни кузатиб қўйди.



Адвокатлик идорасидан бир аҳволда чиққан Содиқ бунча катта миқдордаги пулни қаердан топиши мумкинлигини ақлига сиғдиролмасди. Борди-ю, уни тополмаса, 3 фарзандининг келажагини ўйлаб, ахийри маҳалла-кўйга маслаҳат солишни кўнглига тугди. "Қуш тилини қуш билади" деганларидек, илгари адвокатлик қилган, ҳозир нафақада бўлган бир отахон Содиқга Моҳигулнинг талаби ноқонуний экани, бу хусусда ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишини маслаҳат берди. Шундан сўнг Содиқ адвокат Қадарованинг ноқонуний талаби ҳақида тегишли органларга мурожаат қилди.

Фуқаро Рихсиддиновнинг мурожаати ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ўрганиб чиқилиб, тезкор чора-тадбирлар режаси тузилди. Айтилган кун белгиланган жойга Содиқ 1000 АҚШ долларини олиб борди. Адвокатнинг турмуш ўртоғи Алишер ҳеч нарсадан бехабар пулни санаб олиб, ортига қайтаётганида тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди ва тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Айтиш жоизки, нафс балоси Моҳигулни одамийлик қиёфасидан чиқариб, бутунлай жарга улоқтирди. У ўйламай қилган хатоси учун қонун олдида жавоб берди. Ушбу жиноий ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди судланувчи Моҳигул Қадаровани айбдор деб топиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасида кўрсатилган ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилди.

Кўриб ўтганимиздек жамиятимиздаги ҳеч қандай жиноят жазосиз қолмайди. Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар ким ақлу фаросат этагини маҳкам тутса, мартабаси ошади ва эл ўртасида обрў-эътибор топади. Нафс буйруғига бўйин эгса, хор-зорлик гирдобига учрайди, дея бежиз айтилмаганини унутмасак бас. Шунда ҳаммаси ўз ўрнига тушади ва ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилмайди.

**Равшан ОМОНОВ.**

BOLALIK BOG`I

### NIYAT

*– Dada, nega tayyora*
*Yerga tushib ketmaydi?*
*– Ko`taradi samovot,*
*Yoshsan, aqling yetmaydi.*
*Bilsang, osmon bag`rida*
*Uchayotgan temir qush*
*Bo`lib qolgan insonga*
*Orzuyu ushalmas tush.*
*O`qib ulg`aysang, balki*
*Sen ham ko`kka ucharsan*
*Yerdan sizga salom deb,*
*Yulduzlarni kucharsan.*

### QISHDA

*Tabiatga boq, singlim,*
*Oppoq ko`rpa to`habdi.*
*Oq harrirda oqqushi*
*Kelinchakka o`xshabdi.*
*Tarnovlarga osilib,*
*Sumalaklar qotibdi.*
*Qor tagida ona yer*
*Tinch uyquda yotibdi.*
*Yur, singiljon, hovliga,*
*Qorbo`ronlar o`ynaymiz.*
*Qordan yasab Qorbobo,*
*Shodlanamiz, quvnaymiz.*

### SHIRIN

*– Qani ayt-chi, Ziyoda,*
*Nima shirin dunyoda?*
*– Shuni ham bilmaysizmi,*
*Bu – asal, murabbo-da.*

### CHUMOLI

*Har dam havotirda,*
*Yashar chumoli.*
*Bilmaydi ertaga*
*Ne kechar holi.*
*Mehnat-la topilar*
*Bir burda noni.*
*Bas, oyoq ostida*
*Qolmasa joni...*

### BOBOM

*Bobomlar meni quchib,*
*Derlar, o`g`lim, omon bo`l.*
*Men – keksaygan bobongga*
*Sen doimo darmon bo`l.*
*Baxting uchun kurashdim,*
*Umring bo`lsin ziyoda.*
*Bor ovoz-la hayqirgil,*
*Tinchlik bo`lsin dunyoda!*

**Abdusamad YUNUSOV.**

Қурбон ака афандисифат киши. Юрган йўлида ўзига ўзи саргузашт орттиради. Аммо, ишнинг кўзини биладиган, бугуннинг тили билан айтганда уддабурон тадбиркор. Кўчага бир сўм билан чиқиб, кечқурун уч сўм қилиб қайтмаса, туни билан тиканнинг устида ётгандай, тўлғаниб чиқади. Шунинг учун бўлса керак, рўзғорида камчилик йўқ. Бирор нарсадан нолиганини эшитмайсиз. Доимо ўйнаб-кулиб, ҳазил-ҳузил қилиб юради.

– Нолиб, бировларга тиланганинг билан сенга бир чақа беришадими, – дейди ажабланганларга. – Ундан кўра мана бу хум каллани ишлатиб, ризқингни териб юравер.

Унинг ҳаётига ҳавас қилиб, пул топиш йўлини сўраганларга ҳазил қилиб, бир гапни такрорлайди. "Пулни пул топади, аҳмоқ кетмон чопади"

Яқинда Қурбон аканинг тадбиркорлигига кўпчилик яна бир бор тан берди. Бу ёғини у кишининг ўзидан эшитганингиз маъқул.

– Янги йил кечасига бир кун қолган. Ахир бу кечада жарақ-жарақ пул ишлаб олиш мумкин-да. Нима қилиш керак? Машинаси бор такси қилиб пул топса, бозорчи ўтмай қолган, қурт босган олмасини шу куни сотилиб кетишига ишонади. Менда на униси, на буниси бор. Ўйлаб-ўйлаб, бунинг ҳам чорасини топдим. Янги йил кечаси Қорбобо бўлишни ният қилдим.

Девонанинг ишини Худо ўнглайди деганлари рост экан. Шу куннинг ўзида Қорбобо ва Қорқизнинг кийими ҳам топила қолди. Ишхонамиздаги Машхурахонни Қорқиз бўлиб, ёнимда юришга кўндирдим.

## СОҚОЛИ СОХТА ҚОРБОБО

(Ҳажвия)



Кўнмай қаерга ҳам борарди. Ахир мўмайгина пул ваъда қилдим-да.

Ўша куниёқ маҳалламиз ва катта кўчадаги симёғочларга эълон ёпиштириб чиқдим. Тавба, одамлар ҳам Қорбобо тополмай юрган эканми, ўша куннинг ўзида юзга яқин буюртма олибман. Яна ҳаммаси бойларданлигини айтмайсизми? Оғзини тўлдириб "кўки"дан келади.

Хуллас, Янги йил кечаси ҳам келди. Хонадонма-хонадон дайдишни бошладик. Қорқизим билан хонадон эгаларининг болажонларига қўшиқ, шеър ёдлатиб, ота-оналари тайёрлаб қўйган совғаларни улашардик. Уй соҳиблари эса қўярда-қўймай бир пиёла чойга таклиф этишарди. Чой бўлса гўрга, ҳалиги, бетинг қурғур қиттай-қиттайдан узатишар, кўнглим бўлмай, қўлларини қайтаролмасдим.

Шу десангиз, Янги йил киргач, бирор соатдан кейин маст бўлиб, судралиб уйимга келдим. Ёпиштирилган соқолларни амаллаб кўчирдим, зиёфатма-зиёфат юравериб, ҳаммаёғига овқат сачраб кетган Қорбобонинг кийимини ечибоқ, уй бурчагига улоқтирдим. Базўр оёғимни судраб, ҳаммомга кириб, юз-қўлимни ювиб, ўрнимга ётганимни биламан, қўл телефоним жиринглаб қолди. Мижозлардан бири:

– Ака, яна икки юз минг бераман, Қорқиз билан келиб кетмасанглар бўлмайди, – дейди. – Болаларим хархаша қилавериб, жонни ҳиқилдоққа келтирди.

Бир кўнглим "йўқ" дейман деб оғиз жуфтладим-у, тилим айланмади. Чунки, икки қисм мингталик пул кўз олдимда ўйнарди-да.

Эҳ, Қорқизга жавоб бериб юборган бўлсам, энди нима қилдим? Миямга келган фикрдан кўзларим қувнаб кетди. Телевизор тагига мукка тушиб олган ўғлимни турғаздим-да, Қорқиздан олиб қолган кийимларни кийдирдим. Ота ўғил эмасми, мижоз берадиган пулни эшитиб, қиз бола бўлишга дарров кўнақолди.

Айтилган манзилга етиб бордик. Уй эгасининг болалари ҳали остонадан кирмасимизданоқ соқолимга ёпишди. Шошганда, чала ёпиштирибманми, нима бало, соқол ўлгур узилиб кетса бўладими!

– Вой, Қорбобонинг соқоли ёлғондакам экан, – деб қийқириб қолди улардан бири. Амаллаб соқолимни жойига ёпиштирдим. Маст эмасманми, гапирай, десам тилим ғўлдирайди.

– Нима бало, тилингиз ҳам ўзингизникимасми дейман, – уй бекасининг энсаси қотди. – Бўлмаса, Қорқиз болаларга шеър ёдлатсин, – деб заҳарханда қилди...

– Худо урди, – деб ўйладим кайфим учиб. – Йўқ, йўқ, Қорқиз гапиролмайди. Тилини ари чақиб, шишиб кетган, – топқирлигимдан яна бир марта қувондим.

Хуллас, бир амаллаб болаларни хурсанд қилдик. Уй эгаси бизни дастурхонга таклиф қилди. Энди ул-бул нарсадан чўқигандик, болаларидан бири стол тагига кириб, силлиқ шойидан тикилган иштонимдан тортса бўладими. Ечилиб кетиб...

Кетма-кет ичилганароқдан сўнг уй эгасининг ҳам кайфи ошиб, Қорқиз билан танса тушаман, деб қолдию!

Оббо, буёғи неча пулдан тушди? Ўғлимга қараб, энди амалла дедим. У ҳам ўлганининг кунидан ракс туша бошлади.

– Ия, Қорқизингизнинг мўйлаби бор эканми? – деди уй эгаси кўзлари олайиб.

– Ҳа, йўқ, узоқ совуқ ўлкаларда юраверб, танасидаги гармонлар ҳам ўзгариб кетгандирда, шунинг учун жун боса бошлаган...

Ҳар тугул зиёфатни охирига етказдик. Эшикдан чиқаётганимизда уй эгаси айтилган пулни берди.

Санъатимга ўзим қойил қолдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўша куни 5 миллион сўм ишлабман. Агар, шундай даромад келадиган бўлса, келаси йил фақат ўғлим билан юраман. Пулни бегона қилиб нима қилдим, а лаббай?

**Ёқуб САИД.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Равшан ЁҚУБЖОНОВ**
Навбатчи **Равшан ОМОНОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-142. Адади 15073. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.50. 12345